

Филиппинда миллий Қуръон мусобақаси ўтказилади



07:00 / 22.01.2019 2362

Яқин кунларда муслмонлар мамлакат аҳолисининг беш фоизини ташкил этувчи Филиппин давлатида ҳам Қуръони карим мусобақаси ўтказилади. Бу ҳақда IQNA хабар беради.

Хабарда айтилишича, 27 январь куни Манилада жойлашган “Мовий жоме”да бошланадиган Қуръон мусобақасида мамлакатнинг 17 та ҳудуд ва шаҳарларидан вакиллар иштирок этади. Шу кунгача мусобақанинг маҳаллий босқичлари ўтказилиб, ғолиблар республика босқичига йўлланма олганлар.

Филиппин муслмонлари ишлари бўйича комиссия марказий ҳудуди бош директори Салсалуна ушбу мусобақа халқаро мезонлар асосида

Ўтказилишини, икки нафар ғолиб эса Малайзия ва Эронда бўладиган халқаро Қуръон мусобақасига юборилишини эътироф этган.

***Islom.uz* портали таҳририяти**